

Имом Бухорий қайси мазҳабда бўлганлар?

20:45 / 24.04.2016 7562

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Имом Бухорийнинг мазҳаблари қайси бўлган? Имом Бухорий ўз қўллари билан ёзган китоблари ҳозирги кунда қаерда сақланмоқда ва улар қайси китоблар?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Имом Бухорийнинг фикҳий мазҳаблари ҳақида аҳли илм турлича гапларни айтганлар.

Тожуддин Субкий ўзининг «Тобақотуш-Шофеъийя» китобида, Сиддиқ Ҳасанхон ўзининг «Абжадул улум» китобида ва Ибн Ҳажар ўзининг «Фатҳул Борий» китобида имом Бухорийнинг Шофеъий мазҳабида бўлганликларини айтганлар.

Ибн Қайюм Жавзийя ўзининг «Эълумул муваққиъийн» китобида ва Ибн Абу Яъло ўзининг «Тобақотул Ҳанабила» китобида имом Бухорийни ханбалийлардан, дейишган.

Шайх Тоҳир Жазоирӣ, шайх Муҳаммад Закариё Кандеҳлавӣ ва бошқалар эса «Имом Бухорий ўзлари мужтаҳид фақиҳ бўлганлар», дейдилар. Ушбу гапни кўпчилик уламолар қўллаб-қувватлайдилар.

Имом Бухорийнинг асарлари:

1. «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ».
2. «Ал-Адаб ал-Муфрад».
3. «Ат-Тарих ал-Кабир».
4. «Ат-Тарих Ал-Авсат».
5. «Китобуз Зуафо».
6. «Китобус сунан фил фикҳ».
7. «Холқу афъолул ибод».
8. «Ал-Асмаа ва Куний».

9. «Ал-Қироату холфал имом».
10. «Китобул ҳибати».
11. «Рафъул ядайни фис-солати».
12. «Биррул Волидайни».
13. «Ал-Жомеъ ал-Кабир».
14. «Ал-Муснад ал-Кабир».
15. «Ат-Тафсир ал-Кабир».
16. «Китобул Ашриба».
17. «Асомис-саҳоба».
18. «Ал-Ваҳдон».
19. «Китобул Мабсут».
20. «Китобул Илал».
21. «Китобул Фавоид».
22. «Китобул Қазоёс Саҳобати ват Тобеъийн».
23. «Машийхатул Бухорий».

У киши ўз қўллари билан ёзган китоблар қаерда эканини билмайман.
Валлоҳу аълам.